

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАМАЛОВ ТЕЪМАН ТОЛЯГАНОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҲАЁТ
СИФАТИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ОЁҚЛАРДА ЯРА ПАЙДО
БЎЛИШИ ВА АМПУТАЦИЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Камалов Тельман Толяганович

Қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини
ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва
ампутацияларнинг олдини олиш усуллари такомиллаштириш 3

Камалов Тельман Толяганович

Совершенствование методов профилактики язвообразования
и предотвращения ампутаций нижних конечностей с учетом
качества жизни у больных сахарным диабетом..... 29

Kamalov Telman Tolyaganovich

Improvement of methods of prevention of ulcers formation
and lower extremities amputations taking into the account
quality of live of patients with diabetes mellitus 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАМАЛОВ ТЕЪМАН ТОЛЯГАНОВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҲАЁТ
СИФАТИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ОЁҚЛАРДА ЯРА ПАЙДО
БЎЛИШИ ВА АМПУТАЦИЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib34 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исмаилов Сайдиғанихўжа Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳимова Гулнара Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Галстян Гагик Радикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нажутдинова Дилором Камардиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббий тадқиқот хирургия Маркази (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона.Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.Ю.Халимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё бўйича оёқларнинг нотравматик ампутациясига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири қандли диабетдир. Таъкидлаш керакки, «85–90% ҳолатда жарроҳлик амалиёти оёқ қафтида узоқ вақт давомида мавжуд бўлган трофик яра юзага келишига сабаб бўлмоқда»¹. Қандли диабет ўсиш даражаси бўйича ОИТС, сил, безгак каби касаллик эпидемиялари билан тенглашади. IDF маълумоларига кўра 2015 йилда дунё бўйича аниқланган 415 миллион нафар қандли диабет билан оғриган беморларнинг ҳар иккинчиси ўзининг бу касалликка чалинганлигини билмайди. Башоратларга кўра «2040 йилга бориб ўсиш 227 миллион нафарни ташкил этиши, қандли диабет билан 642 миллион киши азият чекиши, йилига бир миллиондан ортиқ қандли диабет билан оғриган беморлар оёқларидан айрилиши кутилмоқда»².

Жаҳонда қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оёқ қафтининг диабетик синдромини даволашнинг анъанавий усулларини қониқарсиз натижалари сабабларини аниқлаш, жарроҳлик аралашуви ҳажми ва характериға боғлиқ ҳолда оёқ қафтининг диабетик синдромли беморлар ҳаёт сифатига таъсир этувчи омиллар таркибини янада чуқурроқ тадқиқ этиш, оёқ қафтининг диабетик синдромли беморларда яра ҳосил бўлишининг турли шаклларида подоскопик ўзгаришлар намоён бўлишининг ўзига хослиги ва беморлар ҳаёт сифатига таъсирини асослаш бўйича мақсадли изланишлар амалга оширилмоқда. Касалликни кузатувнинг яқин ва узоқ муддатларида оёқ қафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган беморларда оёқлар ампутацияси эҳтимоли ва яра ҳосил бўлиш рецидивларини башоратлаш, беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитациясини оптималлаштиришга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини ва ривожлантириш тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли эндокрин касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолиға тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичға кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза

¹Boulton A. Diabetic neuropathy and foot complications//Handbook Clin. Neurol., 2014. – Vol.126. – P. 97–107.

²Andersen H., Gjerstad M., Jakohsen J. Atrophy of foot muscles: a measure of diabetic neuropath.//Diabetes Care, 2004. – V. 27. – p. 2382–2385.

қилиш, ногиронликнинг олдини олиш»³га қаратилган муҳим вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усулларини такомиллаштириш, тўғри даволаш ва профилактика услубларини кенг қўллаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁴ Қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Institutes of Health, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of Wisconsin Madison (АҚШ); South Bohemian University (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Тайланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische Universität Wien (Австрия); РФ Фанлар академияси Эндокринология маркази (РФ), академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор натижалар олинган:

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида қуйидаги манбалардан фойдаланилди: www.niddk.nih.gov, www.wisc.edu, www.jcu.cz, wn.com/university_medical_center_groningen, www.korea.ac.kr/mbshome/mbs/en/index.do, nymu-e.ym.edu.tw/bin/home.php, www2.unesp.br; www.nottingham.ac.uk, www.wum.edu.pl/en; www.meduniwien.ac.at/web, www.endocrincentr.ru, med.uz/endocrinology.

жумладан, қандли диабетнинг 2-тури юрак-қон томир тизими нуқсонларида томирлардаги жарроҳлик амалиётини амалга ошириш зарурлиги исботланган (University Medical Center Utrecht, Нидерландия); қандли диабет яра касаллиги билан касалхонага ётқизилган беморлар таянч аппарати зарарланиш чуқурлиги ва комбинацияланган зарарланиши оёқ қафти соҳасини ампутация қилиш имкони яратилган (Catholic University of Korea; Корея); қандли диабет билан хасталанган беморлар учун яратилган амбулатор, клиник ва ҳаёт тарзини сақлаш учун ажратилган инвестициялар беморларда нейропатик синдром, периферик қон-томир касалликлари ва яра ривожланиш даражасини пасайтириши исботланган (Universidade Federal de Minas Gerais; Бразилия); қандли диабет билан хасталанган беморлар оёқларида яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усуллари такомиллаштирилган (академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда қандли диабет билан хасталанган беморларнинг оёқларида яра пайдо бўлиши ва ампутациялар олдини олиш усуллари такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: оёқ қафтининг диабетик синдромини даволаш-ташхислаш ва профилактик алгоритмининг ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш; минтақавий хусусиятлар асосида касаллик кечишини башоратлашни такомиллаштириш, рентгенэндоваскуляр аралашувни қўллаш, даволашнинг жарроҳлик усули ва беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитациясини оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда оёқ қафтининг диабетик синдромини ташхислашда оёқ қафтини визуал баҳолаш, подоскопия, рентгенография, динамометрия, видеорегистрация ва минотонотрия каби турли-туман усуллардан фойдаланилади. Бироқ оёқ қафтининг диабетик синдромли беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги бўйича танлаш амалиёт вақти олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Касалликнинг кўп омилли мураккаб патогенези ҳозиргача етарли даражадаги адекват усуллар, касалликнинг эрта профилактикаси, ташхис, консерватив ҳамда жарроҳлик йўли билан даволашга ёндашувни топиш имконини бермади (Липин А.Н., 2009; Набиев М.Х., 2009; Солуянов М.Ю., 2009).

Оёқ қафтининг диабетик синдромли беморлар ижтимоий мослашувчанлигига таъсир этувчи ноқулай омиллардан яна бири бўлган ҳаёт сифатининг пасайиши уларда кейинчалик турли руҳий бузилишларни келтириб чиқаради (Безрукова М.А., 2017; Гасинов Г.Д., 2015;) Ҳаракатланишнинг чегараланиши беморлар касбий ва ижтимоий фаоллигига таъсир кўрсатади. Масалан, ёш беморларда ишни йўқотиш билан боғлиқ хавотирланиш, молиявий йўқотишлар хавфи ва ўз-ўзига ҳурматнинг йўқолиши қабилар етакчи белгилар бўлиб ҳисобланади. Кекса ёшли беморларда ижтимоий ажралиб қолиш кўпроқ муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ажралиб қолиш ва оёқ кафти яраси сабабли тушкун ҳолат ёки оёқ кафти ярасига параноидли боғланиб қолиш юзага келиши мумкин.

Қандли диабетли беморларда оёқ кафтининг диабетик синдромини самарали даволаш ва эрта ташхис қўйишнинг инновацион технология усулларини ўзлаштириш, уларни амалиёт врачлари фаолиятига жорий этиш соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Улар ампутацияларни башоратлаш, олдини олиш ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотиш, умуман, жамиятдаги сарф-харажатларни камайтириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-9-271-сон «Оёқ кафти диабетик синдроми билан хасталанган беморларни реабилитация қилиш ва касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу патологияни коррекциялаш ва мониторингини олиб бориш учун комплекс дастурий ускуна яратиш» (2005–2012) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оёқ кафтининг диабетик синдроми билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашни ташхислаш, даволаш, сонлар ампутацияси ҳамда яра ҳосил бўлишини қайталанишини профилактикаси учун янги усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқ кафти диабетик синдромини даволашнинг анъанавий усуллари қониқарсиз натижалари сабабларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

жарроҳлик аралашуви ҳажми ва характерига боғлиқ ҳолда оёқ кафти диабетик синдромили беморлар ҳаёт сифатига таъсир этувчи омиллар ва сабабларни аниқлаш;

оёқ кафти диабетик синдромили беморларда яра ҳосил бўлишининг турли шаклларида подоскопик ўзгаришлар намоён бўлишининг ўзига хослиги ва уларнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш;

кузатувнинг яқин ва узоқ муддатларида оёқ кафти диабетик синдромининг турли шакллари билан оғриган беморларда оёқларни ампутация қилиш эҳтимоли ва яра ҳосил бўлиш асоратларини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш;

оёқ кафти диабетик синдромили беморлар оёқлари ишемиясини жарроҳлик йўли билан коррекциялашда юқори технологияли рентгенэндоваскуляр усулнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

оёқ кафти диабетик синдромини жарроҳлик йўли билан даволаш усули ва жарроҳлик амалиётидан кейин беморлар реабилитациясини оптималлаштириш;

касаллик кечишини аниқлаш, рентгенэндоваскуляр аралашувни қўллаш, даволашнинг жарроҳлик усули ва жарроҳлик амалиётидан кейин беморлар реабилитациясини оптималлаштириш усулларига асосланган ҳолда оёқ

кафтининг диабетик синдромини даволаш-ташхислаш ва профилактик алгоритминини ишлаб чиқиш;

оёқ кафти диабетик синдромида ишлаб чиқилган ташхислаш-даволаш чора-тадбирлар комплекси самарадорлиги ва уларнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2004–2014 йилларда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида комплекс текширилган ва даволанган оёқ кафти диабетик синдромининг турли шакллари билан оғриган 1990 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб беморларнинг умумий ва маҳаллий клиник статуси, қон ва пешобнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари, оёқ томирлари ангиоархитектоникаси, яралардан ҳосил бўлаётган ажралмалар, плантар босим кўрсаткичлари ва беморлар ҳаётининг сифат даражаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал, микробиологик, рентгенологик, статистик тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оёқ кафтининг диабетик синдромини нейропатик шакли, оёқлар ампутациясини, оёқ-кафт диабетик синдромини нейроишемик шакли, оёқ-кафт диабетик синдромини турли шаклларида яра ҳосил бўлиши ташхислашнинг янги усуллари оёқларнинг қон билан таъминланиш ҳолати, некротик жараённинг ривожланиш ва жароҳатни микроблар билан ифлосланиш даражалари, инфекциянинг кенг тарқалиши ва оёқларнинг таянч фаолиятининг ҳолатини энг ахамиятли бўлган объектив кўрсаткичларини интеграл танлаш асосида ишлаб чиқилган;

реваскуляризацияланувчи жарроҳликда оёқ кафти диабетик синдроми нейроишемик шаклидаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси, нейроишемик шаклида оёқларни сақлаб қолиш ҳамда болдир артерияларини зарарланишида транслюминал баллон ангиопластикаси ва жарроҳлик йўли билан даволашда оёқлар томирини стентлаш усулини қўллаш тартиби исботланган;

оёқлар зарарланшига боғлиқ ҳолда жарроҳлик йўли билан даволашнинг икки босқичли усули белгиланиб, оёқ-кафтда реконструктив пластик жарроҳлик усули асосланган;

даволаш ташхислаш босқичларини тўғри ва самарали кетма-кетлиги, оёқ кафти диабетик синдромини йирингли некротик шаклини комплекс даволашдан сўнг оёқ кафти диабетик синдроми беморлар ҳаёт сифати, уларда реконструктив пластик операция усулини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

реваскуляризация операциясидан кейинги реабилитация ҳамда ушбу тоифа беморларда консерватив даволанган ва ампутация беморларига нисбатан юқори бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

оёқ қафти диабетик синдромли беморларни даволашда яра ҳосил бўлиш рецидиви ва оёқлар ампутацияси эҳтимоллик даражасини ҳисобга олиш, бунда оёқлар томирини доплерография усули билан текшириш, мультиспирал компьютер томографиясини қўллаш тавсия этилган;

оёқ қафти диабетик синдромининг йирингли-некротик шакли бўлган беморларда кўп даражали комплекс текшириш асосида ташхис ва комплекс даволаш тизими такомиллаштирилган;

оёқ қафти диабетик синдромли беморларда жарроҳлик аралашуви жараёнида оёқларнинг асосиз ампутациясини камайтиришга йўналтирилган кетма-кетлик аниқланган;

оёқлар ампутациясининг юқори эҳтимоллиги маҳаллий ўткир йирингли яллиғланиш жараёни бўлганда флегмонани очиш ва/ёки некрэктомия, бармоқлар экзартикуляциясини амалга ошириш тавсия этилган;

оёқ қафти диабетик синдромда оёқлар ампутациясининг юқорилиги, беморларда йирингли-яллиғланишли жараённинг генераллашган шаклида беморлар тезда интенсив терапия бўлимига ўтказилиши ҳамда маҳаллий даволаш сифатида гелиотинли болдир ампутациясини бажариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал, микробиологик, рентгенологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оёқлар ампутацияси эҳтимоллигини башоратлаш усуллари, оёқлар қон айланишининг асосий ўлчов ҳолатлари, яра ҳосил бўлиш жараёни, яра-некротик жараёнларнинг зарарланиш даражаси ва яллиғланиш жараёни генерализациясини синчковлик билан саралашга ихтисослаштирилмаган кўп тармоқли даволаш муассасалари шароитида ҳам оёқлар ампутацияси эҳтимоллигини башоратлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида оёқ қафти диабетик синдромининг турли шакллари билан оғриган беморларда кейинчалик ўтказиладиган даволаш тактикаси бўйича тўғри танловни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган оёқ қафти диабетик синдромининг турли клиник-патогенетик шакли беморларда яралар ҳосил бўлишини башоратлаш усуллари оёқ қафтининг айрим қисмларида плантар босим асосий ўлчовларининг синчковлик билан тўлиқ жамланиши ихтисослаштирилмаган кўп тармоқли даволаш муассасалари шароитида оёқ қафтида яралар ҳосил бўлиш эҳтимоллигини башоратлаш имконини беради. Бу ўз навбатида оёқ қафти диабетик синдромининг турли шакллари билан оғриган беморларда кейинчалик ўтказиладиган даволаш

тактикасига мос тўғри қарор қабул қилиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутацияларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

«Оёқ-кафт диабетик синдроми нейроишемик турини даволашнинг замонавий талқини» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 8н-д/133-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма оёқ-кафт диабетик синдромининг нейроишемик турини ташхислаш ва даволашнинг замонавий тури, яъни транслюминал баллон ангиопластикасини клиник амалиётга татбиқ қилиш натижасида 88,8% беморларда оёқни бутунлигини сақлаш имконини берган;

«Оёқ-кафт диабетик синдроми нейропатик турини ташхислаш, даволаш ва олдини олишни башоратлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 май 8н-д/133-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма оёқ-кафт диабетик синдромининг нейропатик турини ташхислаш ва даволаш ва олдини олишни башоратлашда, яъни замонавий жаррохлик усули ёрдамида оёқ панжа фаолиятини сақлаш 90-95%да ва беморлар оёқ-панжа соҳасини пластик реконструктив амалиёти 88-92%да ижобий самара бериш имконини берган;

«Оёқ-кафт диабетик синдромининг турли шакллардаги беморларда яра ҳосил бўлишини олдини олишни башоратлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 май 8н-д/133-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма оёқ-кафт диабетик синдромининг турли шаклларидаги беморларда яра ҳосил бўлишига олиб келувчи сабабларни ўрганиш ва ва олдини олишни башоратлаш имконини берган;

қандли диабет билан хасталанган беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда оёқларда яра пайдо бўлиши ва ампутацияларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар оғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг «Диабетик оёқ кафти» бўлимида ҳамда Тошкент, Бухоро ва Сирдарё вилоятлари Эндокринологик диспансерлари клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 май 8н-д/133-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар оёқ-кафт диабетик синдромининг турли шакллардаги беморларда яра ҳосил бўлишини олдини олишни башоратлаш, яра ҳосил бўлганда оёқ панжа фаолиятини сақлаш, оёқларни яра-некротик зарарланишини патогенетик асосланган жаррохлик усулини ишлаб чиқиш назорат гуруҳ беморларига нисбатан оёқлар анатомик тузилишини 3,2%, таянч фаолиятини 3,3% ва тизза бўғимини 8,9% ҳолатда сақлаб қолиш, бу эса ўз навбатида сон соҳасида юқори ампутациялар сони 18,1% дан 2,8% гача камайтириш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оёқ кафти диабетик синдромининг турли шакллари тарқалиши ва у билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида оёқ кафт диабетик синдроми турли шаклларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, патогенези, хавф омилларининг ўзига хос ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан нашр этилган адабиётлар таҳлили келтирилган. Оёқ кафти диабетик синдроми турли шаклларида оёқлар ампутацияси ва яра ҳосил бўлиши профилактикасига оид клиник-амалий маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Оёқ кафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган беморларни ташхислаш, даволашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, тадқиқотнинг ташхислаш ва клиник-инструментал ва даволаш усуллари берилган. Статистик ва корреляцион таҳлил усулларининг тавсифи далилларга асосланган тиббиёт принципларига асосланган ҳолда келтириб ўтилган.

Илмий ишда 2004 йилдан 2014 йилгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий марказ клиникасида текширилган ва даволанишда бўлган оёқ кафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган 1900 нафар беморнинг комплекс текшириш ва даволаниш маълумотлари келтирилган. Барча беморлар шартли равишда икки гуруҳга

ажратилган: назорат гуруҳини клиникада 2004 йилдан 2008 йилгача даволанган 893 нафар (44,9%) бемор, асосий гуруҳни клиникада 2009 йилдан 2014 йилгача даволанган 1097 нафар (55,1%) бемор ташкил этган. Оёқ кафти диабетик синдромининг турли шакллари билан оғриган беморларнинг шартли равишда бундай икки гуруҳга бўлиниши клиникадаги ушбу касалликни ташхислаш, диагностика усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишнинг турли босқичларида ўз аксини топади.

Кўп ҳолатларда (87,6%) беморлар қандли диабетнинг 2-тури ўртача оғирликда кечиши (70,6%), декомпенсация босқичи (71,8%)дан азият чекадилар.

Беморларни текширишда уларнинг шикоятлари, касаллик анамнези, объектив кўрик, магистрал томирлар пальпацияси, шунингдек, гемодинамика ва нафас кўрсаткичларини баҳолаш, оёқ кафтида маҳаллий йирингли-некротик жараёнларни тавсифига алоҳида эътибор қаратилди. Тўқималарнинг зарарланиш даражаси Wagner мезонлари бўйича аниқланди. Оёқ кафти диабетик синдроми нейроишемик шаклини ташхислаш умумқабул қилинган стандартлар бўйича ўтказилди. Оёқ кафти диабетик синдроми нейроишемик шаклида диагностик алгоритм қуйидаги омилларни баҳолаш йўли билан тузилди: дистал диабетик полинейропатияни мавжудлиги ва намоён бўлиш даражаси; оёқ кафт тўқималарини зарарланиш чуқурлиги ва характери; оёқлар магистрал артерияларида окклюзион стенотик жараён даражаси ва давомийлиги.

Дистал диабетик полинейропатияни экспресс диагностикаси қуйидагиларни баҳолаш йўли билан ўтказилди: вибрацион сезгирлик, ҳарорат сезгирлиги, тактил сезгирлик.

Оёқ-кафт тўқималарини зарарланиш чуқурлиги ва ташхис характери қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилди: маҳаллий статус, оёқ кафтининг Rg-графияси.

Жараёнлар фаоллигини баҳолаш, ўзгаришларнинг бўшлиқда жойлашиши, шунингдек, юмшоқ тўқималар ҳолатини тавсифлашда рентгенологик кўринишларни, магнит-резонанс томография маълумотлари билан тўлдирилди.

Оёқ кафти диабетик синдромини ривожланиши ва кечишини башоратлаш мақсадида яранинг микроблар билан тўйинганлик даражаси миқдори аниқланди ёки бир грамм тўқимадаги микроорганизмлар миқдори баҳоланди. Бу микробиологик тадқиқотлар жараёнида ҳисобланди.

Теридаги кислороднинг порциал босими ($TcPO_2$)ни аниқлаш орқали ҳудудий микрогемодинамика баҳоланди, у ўрганилаётган зонада тўқималар микроциркуляр қон айланиш ҳолатини баҳолаш имконини берди.

Оёқ кафти остидаги юклама тақсимланишини баҳолашда планто ва педобарография ўтказиш кўрсаткичлари сифат ва миқдор жиҳатдан баҳоланди.

Оёқ кафтининг таянч юзаси яққол намоён бўлган дифференциацияга эга эканлигини ҳисобга олиб, оёқ ости босими тақсимланишини миқдорий баҳолаш учун турли функционал ташхислаш мезонларга эга бўлган бешта

биомеханик зона ажратилди: А – бармоқлар зонаси, В – метатарзал зона, С ва Д – ўрта соҳа зонаси (медиал ёки ресор (С) ва латерал таянч (Д) қисмларга бўлинди), Е – ўзак таянч асоси бўлиб ҳисобланган товон зонаси. Таянч индекс майдонини аниқлаш учун плантография ўтказилди.

Оёқ қафти диабетик синдромининг турли клиник-патогенетик шакли бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижалари кўрсаткичларнинг учта стандарт кўрсаткичи бўйича баҳоланди: яхши, қониқарли ва қониқарсиз. Ҳаёт сифати эса беморларни жисмоний, эмоционал ва ижтимоий фаолият бажаришига интеграл тавсифи бўлиб, унда беморларнинг субъектив қабул қилишига асосланган. Беморлар ҳаёт сифатини баҳолашда SF-36 (Short Form Health Survey) саломатлик сўровномасининг қисқа вариантдан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Оёқ қафти диабетик синдромида анъанавий даволаш усуллари кўллаш самарадорлиги таҳлили**» деб номланган учинчи бобида оёқ қафти диабетик синдромида қўлланиладиган анъанавий даволаш усуллари умумий тавсифи келтирилган, клиник-лаборатор ва инструментал диагностик кўрсаткичлар динамикаси баён этилган, оёқ қафти диабетик синдроми билан оғриган 893 нафар беморнинг даволаш натижалари таҳлили берилган (асоратлар, ўлим ҳолати, ҳаёт сифати).

Шу нарса аниқландики, оёқ қафтининг патогенетик асосланган тежамли ампутацияси усулини қўллаш билан олиб борилган интенсив даволаш комплекси оёқларни сақлаб қолиш даражасини етарли миқдорда таъминлай олмайди ва оёқ қафти диабетик синдромининг клиник-патогенетик турли шакллари билан оғриган беморларда таянч функцияси сақланмайди. Бунда оёқ қафти диабетик синдроми турли клиник патогенетик шаклининг йирингли некротик асоратлари юқори частотада сақланишини кузатилиши йирингли яллиғланиш жараёнлари табиий механизмларини бузилиши билан бирга кечади.

Умумий олиб қаралганда назорат гуруҳи беморларида 1177 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди, нисбатан олиб қаралганда ҳар бир беморга 1,3 та жарроҳлик амалиёти тўғри келади. Бунда даволашнинг жарроҳлик усули қўлланилган беморлар сони 717 нафар (80,3%)ни ташкил этди.

Даволашнинг бошланғич ҳамда узок даврида кузатилган ўлим кўрсаткичи алоҳида аҳамият касб этувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Ички органлар йўлдош касалликлари мавжуд бўлган ҳолатда ушбу жараён муқарар. Бундай ҳулосага келишда келтирилган рақамли маълумотлар ва мисоллар асос бўлиб хизмат қилади. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган 717 нафар (80,3%) беморлардан 51 нафари вафот этди, сўнгги кўрсаткичларга нисбатан бу 7,1%, назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий сонига нисбатан эса 5,7% ни ташкил этди.

Беморлар ҳолати оғирлиги ва оёқлар таянч функциясини тўлақонли баҳолай олмаслик оёқ қафти диабетик синдроми турли клиник-патогенетик шаклларида оёқларнинг юқори даражадаги ампутацияси ва яра ҳосил бўлиш рецидивини эҳтимоллигини башоратлаш имконини бермайди. Ушбу нуқтаи


назардан алоҳида ўринни касалликнинг кечки даврида мазкур беморларнинг ҳаёт сифат даражаси эгаллайди.

Бир йил давомида олиб борилган кузатувлар беморларнинг фақат 53,3% и ўзига ўзи тўлиқ хизмат кўрсата олишини кўрсатди. Ташқаридан қисман ёрдам берилган беморлар 31,9% ва бундай ёрдамга тўлиқ муҳтож беморлар 14,8% (энг кам)ни ташкил этди. Кузатувнинг кейинги муддатларида (бир йилдан уч йилгача) назорат гуруҳи беморларида олиб борилган кузатувлар ўзига ўзи тўлиқ хизмат кўрсатувчи беморлар контингентини камайиб бориш қонуниятини аниқлади (эрта муддатга нисбатан 7,9% ва 14,2%). Бир йилдан 3 йилгача ўтказилган кузатувларда ташқаридан қисман ёрдам бериладиган беморлар 29,4%, 3 йилдан кўп олиб борилган кузатувларда эса 21,1% ни ташкил этди. Шу билан бирга ташқаридан бериладиган ёрдамга тўлиқ муҳтож беморлар сонининг ортиб бориши қайд этилди (10,4% ва 25% мос ҳолда).


Муҳимлилик нуқтаи назаридан олиб борган ушбу тадқиқотга кўра контралатерал оёқларда яра ҳосил бўлиш рецидивни беморлар аҳволи оғирлашиши ва умуман йирингли некротик жараён тарқалишига олиб келади.

Яра ҳосил бўлишининг тез-тез рецидивни ампутациясиз даволанаётган беморларда кўпроқ кузатилиши ушбу тадқиқот давомидаги кузатувларда аниқланди. Бу ҳолат мос равишда 29,5% ва 21,4% ҳолатда оёқ кафтининг барча бармоқлари ампутация қилинган беморлар ва оёқ кафтининг фақат I бармоғи ампутация қилинган беморлар ташкил этди. Зарарланиш томонидан энг кам рецидивлар оёқ кафтининг II ва V бармоқлари ампутациясидан сўнг қайд этилди (17,5%). Беморларда олиб борилган динамик кузатувларда касалликнинг узоқ давом этиш ҳолатларида ушбу кўрсаткичнинг турли туман бўлганлиги кузатилди. 3 йилдан кам бўлган муддатда беморлар ўртасида олиб борилган кузатувларда яра ҳосил бўлиш рецидивни бўйича беморлар сони ампутациясиз даволанаётган беморлар орасида устунлиги (ҳар йили ўртача 36,6%), 3 йилдан кўп муддатда эса оёқ кафтининг барча бармоқлар ампутациясидан сўнг беморларда 33% ни қайд этилди. Шунини айтиш жоизки, оёқ кафти бармоқларининг алоҳида ампутацияси ўтказилган беморлар орасида ушбу кўрсаткич ўзгаришлар динамикасининг маълум қонуниятга эга эмаслигини кўрсатди (расм 1-3).


Қуйидагилар беморларда олиб борилган кузатувларнинг узоқ муддатларида касалликнинг кечиши ва ҳаёт сифатига таъсир этувчи омиллар орасида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади: яра ҳосил бўлиши, унинг чуқурлиги ва микробларга тўйинганлиги; оёқлар ишемияси даражаси; умумий йирингли септик асоратлар мавжудлиги ва тури; яллиғланиш жараёнининг кечиш тури; шу нуқтаи назардан маълум бўладики, юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб патогенетик омилларни ўзак тушунчалари бўйича жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини кўриб чиқиш ва оптималлаштириш зарур.



1-расм. Турли гуруҳ беморларида узоқ муддатли даволашдан сўнг шикастланган томонда яра пайдо бўлишининг қайталаниш динамикаси ўзгариши.



2-расм. Турли гуруҳ беморларида узоқ муддатли даволашдан сўнг контралатерал томонда яра пайдо бўлишининг қайталаниш динамикаси ўзгариши.



3-расм. Турли гуруҳ беморларида иккала оёқда яра пайдо бўлиши қайталаниши мутаносиблигининг узок муддатли даволашдаги ўзгаришлар динамикаси.

Оёқ қафти диабетик синдроми турли клиник-патогенетик шакллари беморларида зарарланган ва контралатерал оёқларни ўз вазифасини бажара олиш қобилиятини ҳисобга олиш, юқори ампутацияларга олиб келувчи яра ҳосил бўлиш рецидивига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ташхис усуллари дастурини ишлаб чиқиш ва оёқ қафти диабетик синдроми асоратларини башоратлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқот давомидаги тахминларга кўра, педобарографик ташхис усулини қўллаш ва мос бўлган коррегирловчи чоратадбирларни ёки оёқ қафти таянч функцияси баромеханикасига таъсир этувчи алгоритмни қўллаш яра ҳосил бўлиш рецидиви хавфини камайтириш ва мос ҳолда беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш имконини беради.

Оёқ қафти диабетик синдроми нейроишемик шакли бўлган беморларда ўтказилган яқин ва узок муддатли даволашларда сон ампутацияси сезиларли даражада юқори миқдорда бўлиши, оёқлар ишемияси усулини баҳолаш ва ушбу беморлар контингентини даволашда рентгенэндоваскуляр самарани қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Диссертациянинг «**Оёқ қафти диабетик синдромида даволаш диагностик ва профилактик чора тадбирлар комплексини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида оёқлар ампутацияси яра ҳосил бўлиш рецидивини башоратлаш ва ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш босқичлари келтириб ўтилган рентгенэндоваскуляр аралашувнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда оёқ қафти диабетик синдроми беморларни жарроҳлик усули билан даволаш йўллари оптималлаштириш, шунингдек,

уларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги қайта тикланиш жараёнининг кечиши ёритилган.

Педографияда олинган маълумотларга кўра плантар босим тақсимланиши тавсифи ўрганилганда соғлом кишилар кўрсаткичларига нисбатан солиштирилганда оёқ кафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган беморларда максимал юклама оёқ кафтининг олд қисмига тушиши аниқланди. Бу ушбу бўлимда энг юқори босим белгилари катта миқдори билан қайд этилди. Бунда юкломанинг энг юқори даражаси В зонага ($32,25 \pm 1,5\%$) тўғри келади ва бу нейропатияли беморларда оёқ кафтининг варусли жойлашув тенденциясидан гувоҳлик беради. С зонасида плантар босим ортиши ($2,0 \pm 0,04\%$ га), D зонада унинг пасайиши билан кузатилиши ($1,2 \pm 0,03\%$) юқорида келтирилган хулосаларни тасдиқлайди.

Оёқ кафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган беморларда E зонада юкломанинг пасайиши кузатилди ($32,9 \pm 1,1\%$ га мос ҳолда).

Оёқ кафтидаги зоналарда плантар босим ўзгаришига боғлиқ қиёсий таҳлил ампутация характеридаги жарроҳлик амалиётини ўтказган, мос бўлган зоналар мавжудлигига қарамасдан (бармоқлар зонаси) олинган маълумотлар қарама-қарши даража белгиларига эга бўлишини қайд этиш имконини берди. Бошқача айтганда оёқ кафт II - V бармоқлари ампутацияси ўтказилган беморларга нисбатан оёқ кафти олд зонасида плантар босимни даражаси юқори бўлиши, фақат битта – I бармоқ ампутацияси ўтказилган беморларда оёқ ости босим координациясининг сезиларли ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида ўтказилган жарроҳлик аралашувига боғлиқ ҳолда беморларда реабилитация вариантларини танлашда бир қарорга келиш учун дифференциал ёндашув заруриятдан далолат беради. Олинган натижалар оёқ кафти диабетик синдроми («POU.exe»)нинг турли клиник-патогенетик шакли бўлган беморларда яра ҳосил бўлиш эҳтимоллигини башоратлаш усули дастурини ишлаб чиқиш ҳамда шу орқали ушбу патологияли беморларни даволаш учун кўзда тутилган кейинги тактикаларга мос тўғри қарор қабул қилиш имконини беради.

Оёқ кафти диабетик синдромининг турли клиник-патогенетик шаклларида ўтказилган даволаш самарасизлиги аниқланганда ўтказилган ягона чора – сон ампутацияси, биринчи бор мурожаат қилган беморларнинг 9,97% ида (89 нафар) ўтказилди. Кузатувнинг кейинги муддатларида ва беморларни даволашда (5 йилгача бўлган узоқ муддат) сон ампутацияси яна 247 марта ўтказилди (назорат гуруҳидаги беморлар умумий контингентининг 27,6% ида). Оёқ кафти диабетик синдроми нейропатик шакли бўлган беморларда сон ампутацияси 24,8% ҳолатда, нейроишемик шаклда эса 55,4% ҳолатда ўтказилди.

Ярадаги некробиотик жараёнлар характерида кўра юқори ампутация частотасига боғлиқлиги таҳлил қилинганда шу нарса кўриндики, бу турдаги жарроҳлик амалиётининг юқори даражаси яранинг аралаш некрози мавжуд бўлган беморларда бажарилди (75,1%). Ярада қуруқ ёки намли некроз

мавжуд бўлганда сонлар ампутацияси 42,86% ва 59,6% ҳолатларда мос ҳолда бажарилди.

Сон соҳасидаги ампутация сони 5 та асосий градацияга эга: сон ампутациясининг жуда юқори эҳтимоллиги – даволашнинг ушбу якуни 100% ҳолатда шунга олиб келган шароит мавжуд бўлганда; сон ампутациясининг юқори эҳтимоллиги – даволашнинг ушбу якунига 75% ҳолатда шунга олиб келган шароит мавжуд бўлганда; сон ампутациясининг ўртача эҳтимоллиги – даволашнинг ушбу якунига 50% ҳолатда шунга олиб келган шароит мавжуд бўлганда; сон ампутациясининг паст эҳтимоллиги – даволашнинг ушбу якунига 25% ҳолатда шунга олиб келган шароит мавжуд бўлганда; сонлар ампутацияси эҳтимоллиги мавжуд бўлмайди.

Кўп сонли информацион маълумотлар статистик таҳлил қилинганда энг характерли кўрсаткичлар аниқлаш имконини беради, улар эса оёқ кафти диабетик синдроми бўлган беморлар сон ампутацияси эҳтимоллиги тўғри интеграл маълумотларни тузишни асосини ташкил этди. Даволашни сон даражадаги ампутация билан якунлаш чоралари эҳтимоллигини башоратлашни характерловчи клиник ва лаборатор кўрсаткичлар орасида қуйидагилар алоҳида ажралиб турди: Вагнер бўйича ярали зарарланиш даражаси, ярани микроблар билан тўйинганлик даражаси, организмнинг тизимли яллиғланиш реакциялари синдроми белгилари мавжудлиги ва миқдори. Оёқ кафти диабетик синдроми нейроишемик шакли билан оғриган беморларда юқорида келтирилган клиник-лаборатор маълумотларга тенг равишда оёқ томирларини доплерография қилиш ёрдамида олинган қуйидаги кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга: тўпиқ елка ва бармоқ елка индекси, $TcPO_2$ – тинч ҳолатда ҳамда ортостазда, Пурцилот ва Гослинг индекси.

Ишлаб чиқилган математик моделлар оёқ кафти диабетик синдроми нейропатик ва нейроишемик шаклларида оёқларнинг ярали-некротик зарарланишида оёқлар ампутацияси эҳтимоллигини башоратлаш дастурий модул асоси бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, «PANPDF.exe» ва «PANIDF.exe» номи билан юритилувчи ушбу дастур маҳсулотлари юқори келтирилган асосий параметрларни синчковлик билан тўғри танлаб олиш натижасида ушбу дастурлар махсус бўлмаган кўп тармоқли даволаш профилактика муассасаларида оёқлар ампутация эҳтимоллигини башоратлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида оёқ кафт диабетик синдроми турли шакллари беморларида кейинги даволаш тактикасини мос равишда тўғри ҳал этиш имконини беради.

Яра ҳосил бўлишини башоратлашнинг анъанавий усулларга сезгирлигини кузатувнинг узоқ муддатларида 1,7 мартага камайтиради, ишлаб чиқилган дастурларни қўллаш шароитида эса ушбу кўрсаткичлар динамикада ўзгаришсиз қолди. Тадқиқот давомида худди шундай оёқлар ампутациясини башоратлаш ҳолати қайд этилди: башоратлашнинг анъанавий усулларида сезувчанликни пасайиши 2,5 мартани ташкил этди, тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастулардан фойдалинилганда эса улар ўз ўлчамларини турғун белгиларда сақлаб қолди. Яқин муддатларда яра ҳосил бўлишини башоратлашнинг махсус тести 4,3 мартага, узоқ муддатларда эса –

3,4 мартага ошди. Оёқлар ампутациясини башоратлашда кузатувнинг эрта муддатларида махсуслик тести 1,6 мартага ошди, узок муддатларида эса – 2 мартадан кўпроққа ортди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли хил оёқ кафти диабетик синдромили беморларда яра пайдо бўлиш эхтимолини аниқлаш тестлари, алоҳида мезон (АМ) ва ишлаб чиқилган дастурлар (ИЧД) бўйича оёқлар ампутацияларининг яқин (I) ва узок (II) муддатли тадқиқотлари башоратлаш аҳамиятининг ўзгариши

Башоратлаш аҳамияти	Башорат турлари	Башорат натижаси			
		Яра пайдо бўлиши		Ампутация	
		I	II	I	II
Сезувчанлик	АМ	83,6%	50,2%	79,4%	31,4%
	ИЧД	88,6%	85,7%	86,8%	84,2%
Спецификлик	АМ	16%	25%	45%	46,4%
	ИЧД	69,8%	84,1%	73,8%	98,4%

Оёқ кафти диабетик синдромининг нейроишемик шакли билан оғриган 125 нафар беморда ангиоген зарарланиш юқори бўлган ҳолатда даволаш жараёнида эндоваскуляр аралашув усулидан фойдаланилди. Даволаш чоралари комплексида беморларда рентгенэндоваскуляр аралашув усулини қўллаш оёқ кафти диабетик синдроми нейроишемик шакли бўлган беморларда оёқлар ампутациясини 3,2 мартага камайтириш имконини берди. Бунда назорат гуруҳи беморларида (22,7%) оёқлар ампутациясининг асосий юқори улуши сон даражасидаги ампутацияларни ташкил этди. Болдир даражасидаги ампутация улуши назорат гуруҳ беморлари орасида қайд этилмади. Асосий гуруҳ беморларида рентгенэндоваскуляр аралашув усулини қўллаш, сон даражасида ампутацияни амалга оширишнинг олдини олиш ва 7,2% ҳолатдагина ампутацияни болдир соҳасида бажариш билан чегараланиш имкониятини яратади. Оёқ кафти диабетик синдромининг нейроишемик шакли билан оғриган беморларда рентгенэндоваскуляр усулда жарроҳлик аралашувини амалга оширишни қўллаш ўлим кўрсаткичини 10,3% дан 4,0% гача камайтириш имкониятини беради. Оёқ кафти диабетик синдроми беморларида оёқлар ишемиясини рентгенэндоваскуляр жарроҳлик коррекция усулини қўллаш, оёқлар бутунлигини сақлаш 67% дан 88,8% гача кўринишида даволашнинг ижобий натижаларини улушини ошириш имконини беради, сон соҳасида ампутациясини бажариш заруриятининг олди олинди ва ушбу контингент беморлари орасида ўлим ҳолати 2,5 мартага камайди.



4-расм. Бемор М. 1956 й.т.
Ташхис: Қандли диабет 2-тур.
Оёқ кафти диабетик синдроми
нейроишемик шакли. Чап оёқ
III–IV–V бармоқлар
ампутациясидан кейинги ҳолат.



5-расм. Чап юзаки сон
артерияси стенози.



6-расм. Олдинги болдир
артерияси окклюзияси.



7-расм. Олдинги ва орқа болдир артерияларининг ТЛБАси.



8-расм. Чап оёқ I, II бармоқ
экзартикуляцияси.



9-расм. Яранинг маҳаллий тўқималар
билан пластикаси.



10-расм. Операциядан кейинги давр



11-расм. Операциядан кейинги узок давр

Оёқ қафти диабетик синдроми ярали-некротик зарарланишини жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлиги баҳоланганда 46% беморлар даволаш жараёнида оёқларнинг анатомик структураси сақлаб қолинишига эришилди. Шу билан бирга 36,7% беморларда фақат оёқлар таянч функциясини сақлаб қолиш имкони бўлди. Оёқ қафти диабетик синдроми турли шакллари билан оғриган беморларнинг 17,3% ида қўлланган юқори ампутацияларнинг ва 9,7% ида ампутация сон соҳасида бажарилди.

Умуман олганда, оёқлар ярали-некротик зарарланишининг жарроҳлик коррекциялаш усулини патогенетик асослашни ишлаб чиқиш назорат гуруҳи беморларига солиштирилганда 3,2% беморларда оёқларнинг анатомик структурасини сақлаш частотасини ошириш, 3,3% беморларда оёқлар таянч функциясини сақлаши ва 8,9% беморда тизза бўғимини сақлаб қолиш имконини берди, булар ўз навбатида 18,1%дан 2,8%гача юқори ампутацияни сон соҳасида бажариш частотасини камайтириш имконини берди.



12-расм. Бемор К. 1952 й.т. Ташхис: Қандли диабет 2-тур, ДТС ўнг оёқ панжаси нам гангренази.



13-расм. Гильотин ампутациясидан кейинги ҳолат.



14-расм. Камбаласимон мушак экстирпацияси.



15-расм. Операциядан кейинги яқин давр.



16-расм. Беморнинг протез кийгандан кейинги ҳолати.


Диссертациянинг «Оёқ кафти диабетик синдромида даволаш-ташхислаш чоралар комплексини такомиллаштириш самарадорлигини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида оёқ кафти диабетик синдромли беморларга ташхислаш-даволаш ёрдами кўрсатиш алгоритми оёқлар ампутацияси эҳтимоллик мезонларини башоратлашдан келиб чиққан ҳолда ушбу тадқиқот давомида ишлаб чиқилган «PANPDF.exe» ва «PANIDF.exe» дастурлари ёрдамида аниқланди. Оёқ кафти диабетик синдроми беморларида оёқлар ампутацияси эҳтимоллигини башоратлаш ушбу ихтиро шартларига мос ҳолда куйидагича бўлди: мавжуд эмас, паст, ўрта, юқори ва жуда юқори эҳтимоллик.

